

VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 589 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2019 йил январь-сентябрь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	589	100,0	186245,1	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	31	5,3	2223,5	1,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	91	15,4	3596,7	1,9
Бухоро	38	6,5	9412,1	5,1
Жиззах	27	4,6	1226,1	0,7
Қашқадарё	38	6,5	2867,7	1,5
Навоий	20	3,4	4242,4	2,3
Наманган	68	11,5	6777,0	3,6
Самарқанд	16	2,7	7174,6	3,9
Сурхондарё	44	7,5	3547,9	1,9
Сирдарё	19	3,2	1084,1	0,6
Тошкент	97	16,5	8959,6	4,8
Фарғона	75	12,7	14770,0	7,9
Хоразм	15	2,5	3174,5	1,7
Тошкент ш.	10	1,7	62616,0	33,6
Агентлик МА	-	-	54572,8	29,3

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 97 та (16,5 %), Андижон вилоятида – 91 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,4%), Фарғона вилоятида – 75 та (12,7 %), Наманган вилоятида – 68 та (11,5%), Сурхондарё вилоятида – 44 та (7,5 %), Бухоро вилоятида 38 та (6,5 %) ни ташкил этди.


2019 йилнинг январь-сентябрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби
(жамига нисбатан %да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 385 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 65,4 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 59 та объект (10,0 %), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 59 та (10,0%), Халқ таълими вазирлиги – 19 та объект (3,2 %), Молия вазирлиги – 16 та объект (2,7 %) тўғри келади.

2019 йилнинг январь-сентябрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 186,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрида республика ҳудудлари кесимида
давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар таркиби
(жамига нисбатан % да)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 33,6 %), Агентлик МА (29,3 %), Фарғона (7,9 %), Бухоро (5,1 %), Тошкент (4,8 %), ва Самарқанд (3,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотуражой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2019 йилнинг январь-сентябрда объектларни ижарага бериш бўйича 28,5 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 7,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлари жами 138,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 55,3 %), Сурхондарё (8,1 %), Тошкент (5,9 %), Хоразм (4,0 %), Андижон (3,9 %), ва вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари) – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

Харидор - қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

Инвеститция мажбурияти – инвестор томонидан инвеститция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

Ижтимоий мажбуриятлар – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкни сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

Аукцион – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкни сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Балансда сақловчи – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

Бошланғич нарх – ким ошди савдосига очик мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.